

**Акциядорлик жамияти шаклидаги  
Қўшма корхона “Euroasia Insurance” суғурта компанияси акциядорларининг  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши баённомаси**

Тошкент ш.	2022 йил 24 март
Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи:	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42/1 уй, Жамият маъмурий биноси
Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт:	<b>10:00</b>
Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт:	<b>10:50</b>
Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт:	<b>11:00</b>
Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони	<b>36 620 275 дона</b>
Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана	2022 йил 15 март

Жамият кузатув кенгаши аъзоси Б.Шакиров йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

Б.Шадиев - Йиғилиш раиси;

М.Мирзамахмудов – Бош директор;

Йиғилиш котиби этиб, У.Маматкуловни сайлаш таклиф этилди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсати ва йиғилиш котиби сайланди.

Йиғилиш раиси йиғилишни очди ва йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Н.Абдуллаевага берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан 2022 йил 15 март ҳолатига шакллантирилган Акциядорлик жамияти шаклидаги Қўшма корхона “Euroasia Insurance” суғурта компаниясининг акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 5 та акциядорга тегишли **36 620 275** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **36 620 275** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 5 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 100%ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилиш раиси Б.К.Шадиев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият номини ўзгартириш тўғрисида.
4. Жамият юридик ва почта манзилани ўзгартириш тўғрисида.
5. Кузатув кенгаши таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Жамият Бош директорини тайинлаш тўғрисида.
7. Тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
8. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

9. Жамият янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида.
10. Аввал рўйхатдан ўтган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
11. Аввал рўйхатдан ўтган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш тўғрисида.
12. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида.
13. Қўшимча акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида.
14. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш тўғрисида.
15. Жамият ички низомлари тўпламини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Б.Шадиёв сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкилади.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 2 мартдаги мажлиси қарорига кўра, Н.Абдуллаева, Н.Холикулова, С.Умаралиевлардан иборат санок комиссияси тузилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси аъзоларининг сони ва таркибини тасдиқлаш бўйича бюллетень орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси уч кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
  - Н.Абдуллаева;
  - Н.Холикулова;
  - С.Умаралиев.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** - Йиғилиш раёсати аъзоси М.Мирзамахмудов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 15 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала маърузаси ва муҳокамаси учун 5-10 дақиқагача, овозларни санаб чиқиш ва санок комиссиясининг овоз бериш яқунлари бўйича ҳисоботи эшитиш учун 20 дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди.

Шунга асосан, Жамият акциядорларидан бугунги умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:**

Жамият Бош директори в.в.б. М. Мирзамахмудов сўзга чиқиб жамият акциядорлик жамияти сифтида қайта ташкил этилганлиги муносабати билан фаолияти бўйича лицензиясини қайта расмийлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда жамият номланишидаги “шаклидаги” сўзини олиб ташлаш лозимлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга, кузатув кенгаши жамият номини қуйидагича белгилаш бўйича таклиф берган: «EUROASIA INSURANCE sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati qo'shma korxonasi.

Йиғилиш раиси Б.Шадиев жамият номини акциядорлик жамияти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда берилган гувоҳномага мослаштиришни таклиф қилди ҳамда акциядорлардан овоз беришларини сўради.

Гувоҳномада жамият номи қуйидагича кўрсатилган: «EUROASIA INSURANCE» Aksiyadorlik jamiyati Qo'shma korxonasi.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёклаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият номи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мослаштирилсин ҳамда қуйидагича белгилансин:

**«EUROASIA INSURANCE» AKSIYADORLIK JAMIYATI**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:**

Жамият Бош директори в.в.б. М. Мирзамахмудов жамият фаолият юритаётган манзили ўзгарганлиги, яъни жамият Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 3-А уй манзилига кўчиб ўтгани муносабати билан жамиятнинг устави ва бошқа ҳужжатларига жамият ҳақиқатда жойлашган манзили бўйича ўзгартириш киритиш лозимлигини, шунингдек тегишли давлат органларида қайта рўйхатдан ўтказиш лозимлигини айтиб ўтди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёклаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг юридик ва почта манзили **ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЮНУСОБОД ТУМАНИ, АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ КЎЧАСИ, 3-А УЙ**га ўзгартирилсин ҳамда жамиятнинг устави ва бошқа ҳужжатларига жамият ҳақиқатда жойлашган манзили бўйича ўзгартиришлар киритилсин.

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:**

Жамият акциядори Ф.И.Ш. томонидан жамият кузатув кенгаши аъзоларини 7 кишига етказиш ва қуйидаги шахсларни кузатув кенгаши таркибига тасдиқлаш бўйича таклиф келиб тушган:

Т/Р	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими	Акциялар сони
1	Шадиёв Б.К.	Акциядор	
2	Абдуллаев К.Г	«Metals & Mining Investment Group» МЧЖ Бош директори	
3	Зайнутдинов Н.С.	«Metals & Mining Investment Group» МЧЖ Молиявий масалалар бўйича директор	
4	Шакиров Б.А	«УзДонг Жу Пейнт Ко» МЧЖ Бош директор биринчи ўринбосари	
5	Аслан Юсуф Зия (Aslan Yusuf Ziya)		
6	Исмадияров Р.У.		
7	Ахмедов М.У.		

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 59-моддасига асосан кузатув кенгашини тасдиқлаш/сайлаш акциядорларининг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инобатга олган ҳолда ушбу масала бўйича овоз бериш сўралди.

Мазкур масала юзасидан овоз бериш 2-бюллетенга мувофиқ кумулятив овоз бериш йўли орқали амалга оширилади.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 га етказилсин ҳамда жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киртилсин.
2. Кузатув кенгашининг таркиби 2022 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига қадар қуйидагича шакллантирилсин:

Т/Р	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими	Акциялар сони
1	Шадиёв Б.К.	Акциядор	

2	Абдуллаев К.Г	«Metals & Mining Investment Group» МЧЖ Бош директори	
3	Зайнутдинов Н.С.	«Metals & Mining Investment Group» МЧЖ Молиявий масалалар бўйича директор	
4	Шакиров Б.А	«УзДонг Жу Пейнт Ко» МЧЖ Бош директор биринчи ўринбосари	
5	Аслан Юсуф Зия (Aslan Yusuf Ziya)		
6	Исмадияров Р.У.		
7	Ахмедов М.У.		

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:**

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ва жамият Уставига мувофиқ жамият Бош директорини тайинлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инобатга олган ҳолда ушбу масала юзасидан акциядорлардан овоз беришлари сўралди. Жамият Бош директори лавозимига **Мирзамахмудов Музаффар Мухторалиевич** номзоди таклиф этилди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. **МИРЗАМАХМУДОВ МУЗАФФАР МУХТОРАЛИЕВИЧ** 2022 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига қадар жамият бош директори лавозимига тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:**

Жамият тафтишчисига Абдуллаев Санжар Рустам ўғли номзоди берилган.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 59-моддасига асосан тафтишчини тасдиқлаш/сайлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инобатга олган ҳолда ушбу масала юзасидан овоз бериш сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. **АБДУЛЛАЕВ САНЖАР РУСТАМ ЎҒЛИ** 2022 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига қадар жамият тафтишчиси этиб тасдиклансин.

**Кун тартибдаги саккизинчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Б.Шадиёв сўзга чиқди ва жамият фаолиятдан ва бугунги кундаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ҳамда иловага мувофиқ таништириб ўтди.

Шу моносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 59-моддасига асосан жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инobatга олган ҳолда ушбу масала бўйича акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги саккизинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини кузатув кенгаши томонидан қайта кўриб чиқилиб умумий йиғилишга киритилсин.

**Кун тартибдаги тўққизинчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Б.Шадиёв сўзга чиқиб юқоридаги кўриб чиқилган масалалар, яъни жамият номини ўзгартириш, юридик ва почта манзилини ўзгартириш, кузатув кенгаши аъзолари миқдорига ўзгартириш киритилганда жамият уставига ҳам ўзгартиришлар киритиб белгиланган тартибда янги таҳрирда қайта давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Шунга кўра, иловага мувофиқ, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шу моносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 59-моддасига асосан жамият устави тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инobatга олган ҳолда ушбу масала юзасидан овоз бериш сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги тўққизинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Барча ўзгартириш ва қўшимчаларни инobatга олган ҳолда жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави **1-ИЛОВАГА** мувофиқ тасдиклансин.

**Кун тартибдаги ўнинчи масала бўйича:**

Бош директор в.в.б. М.Мирзамахмудов кўйидагиларни маълум қилди:

Жамиятнинг номи ўзгариши муносабати билан Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига мувофиқ жамиятнинг аввал 2022 йил 7 февралда Р0939-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан ушбу масала юзасидан акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг номи ўзгариши муносабати билан жамиятнинг аввал 2022 йил 7 февралда Р0939-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:**

Бош директор в.в.б. М. Мирзамахмудов кун тартибидаги ўнинчи масала, яъни аввал 2022 йил 7 февралда Р0939-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига тегишли ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан аввал рўйхатдан ўтган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матни (матн лойиҳаси илова қилинади) тасдиқланиши лозим.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан ушбу масала бўйича акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг аввал 2022 йил 7 февралда Р0939-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига тегишли ўзгартиришлар матни **2-ИЛОВАГА** мувофиқ тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича:**

Бош директор в.в.б. М. Мирзамахмудов жамият акциядори «INTER CAPITAL» МЧЖ томонидан жамиятга қўшимча камида 10 000 000 000,00 (ун миллиард) сўм миқдорда инвестиция киритилиши маълум қилинганлигини айтиб ўтди.

Шу муносабат билан жамият қўшимча акциялар чиқарилиши бўйича қарор қабул қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунларига асосан белгиланган тартибда акциялар

чиқарилишини амалга ошириши ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаши лозимдир.

Жамиятнинг умумий қиймати 10 000 000 000,00 (ун миллиард) сўмлик номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 10 000 000 (ун миллион) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акцияларининг қўшимча чиқарилиши қуйидаги тартиб ва шартларда амалга ошириш таклиф этилади:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият акциядори «INTER CAPITAL» МЧЖга ёпик обуна усулида жойлаштирилади.
- мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштирилади.
- *Жойлаштиришни бошланиш санаси:* мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун.
- *Жойлаштиришни тугаши санаси:* ушбу чиқарилишнинг охириги акцияси жойлаштирилган кун ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.
- Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Акцияларни жойлаштириш фуқаролик-ҳуқуқий битим тузилган ҳолда биржадан ташқари уюшмаган кимматли қоғозлар бозорида амалга оширилади. Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

- Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар 1 000 сўмдан жойлаштирилади.
- Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларга тўлов жамиятнинг банк ҳисоб рақамига нақдсиз шаклдаги пул маблағлари ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.
- Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда 10 кун ичида қайтарилади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан ушбу масала бўйича акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядори «INTER CAPITAL» МЧЖ томонидан жамиятга қўшимча **10 000 000 000,00 (ЎН МИЛЛИАРД) СЎМ** миқдорда инвестиция киритилиши муносабати билан жамият акциядори «INTER CAPITAL» МЧЖга **10 000 000 000,00 (ЎН МИЛЛИАРД) СЎМГА** қўшимча акциялар чиқарилиши қуйидагича амалга оширилсин.



2. Жамиятнинг умумий қиймати **10 000 000 000,00 (ЎН МИЛЛИАРД) СЎМ**лик номинал қиймати **1 000 (БИР МИНГ) СЎМ** бўлган **10 000 000 (ЎН МИЛЛИОН) ДОНА** эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акцияларининг қўшимча чиқарилиши қуйидаги тартиб ва шартларда амалга оширилсин:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият акциядори «INTER CAPITAL» МЧЖга ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.
- мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб **бир йил ичида жойлаштирилади.**

**Жойлаштиришни бошланиш санаси:** мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

**Жойлаштиришни тугаши санаси:** ушбу чиқарилишнинг охириги акцияси жойлаштирилган кун ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб **бир йилдан ошмаслиги** лозим.

– **Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:**

Акцияларни жойлаштириш фуқаролик-ҳуқуқий битим тузилган ҳолда биржадан ташқари уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилади. Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

- Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги акциялар 1 000 (бир минг) сўмдан жойлаштирилади.**
- Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги акцияларга тўлов жамиятнинг банк ҳисоб рақамига нақдсиз шаклдаги пул маблағлари ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.**
- Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: **Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда 10 кун ичида қайтарилади.**

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича:**

Жамиятқўшимча 10 000 000 000,00 (ун миллиард) сўм миқдорда акциядор «INTER CAPITAL» МЧЖ томонидан инвестиция киритилиши ва ушбу акциядорга қўшимча акциялар чиқариб берилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан қўшимча акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шунга қўра ушбу масала юзасидан акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Мазкур йиғилиш қарорига асосан жамият томонидан қўшимча акциялар чиқарилиши муносабати билан қўшимча акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмасин.

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича:**

Жамият томонидан қўшимча акциялар чиқрилиши муносабати билан Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан жамият қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш юзидан акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарори **3-ИЛОВАГА** мувофиқ тасдиқлансин.
2. Бош директори в.в.б. М.Мирзамахмудов зиммасига жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш юклатилсин.

Бунда, жамиятнинг аввал 2022 йил 7 февралда Р0939-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига тегишли ўзгартиришлар матни белгиланган тартибда Молия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан сўнг, қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказиш топширилсин.

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича:**

Жамият Бош директори М. Мирзамахмудов сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ жамиятнинг қўйидаги ички низомлари ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтди:

- акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида;
- кузатув кенгаши тўғрисида;
- тафтиш комиссияси тўғрисида;
- ижроия орган тўғрисида;
- манфаатлар тўқнашувида ҳаракатлар тартиби тўғрисида;
- ички назорати тўғрисида;
- ахборот сиёсати тўғрисида;
- дивиденд сиёсати тўғрисида;
- бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига талаблар тўғрисида;
- йирик битимларни тузиш тўғрисида;
- аффилиланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида;

- кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек ижроия органлари вазифасини бажарувчи шахсларга мукофот пули тўлаш тартиби тўғрисида.

Шу моносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан ушбу масала юзасидан овоз бериш сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – йўқ;**

**“Қаршилар” – 36 620 275 та овоз (100 фоиз); “Бетарафлар” - йўқ.**


**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн бешиинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият ички низомларнинг тўплами тасдиқланмасин.
2. Жамият ижроия органи тегишли тартибда маслаҳатчи ташкилотлар жалб ыилган ҳолда, жамият ички низомларнинг тўпламини қайта ишлаб чиқсин ҳамда кузатув кенгашига киритсин.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганлигини инобатга олган ҳолда, бугунги йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

**Йиғилиш раиси:**



**Б. Шадиев**

**Йиғилиш котиби**



**У. Маматкулов**

